O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# ÓZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL 26 NOYABR
SESHANBA
№ 144 (27.003)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

# НАТО: ҲАМКОРЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ОЧИҚЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 21-22 НОЯБРЬ КУНЛАРИ НАТО ВА ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИНИНГ ПРАГА САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Президентимиз Прага сафарининг биринчи куни НАТО Бош котиби Жорж Робертсон, иккинчи куни эса АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳамда Франция Президенти Жак Ширак билан учрашди. Ушбу учрашувларда асосий диққат-эътибор хавфсизлик масаласига қаратилди. Бу — табиий. Зеро, НАТО аъзолари ва ҳамкорларининг бир ташкилот атрофида жипслашувдан кўзлаган мақсади ҳам миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан иборат.



Ислом Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқида ҳам биринчи навбатда террор муаммосига эътибор қаратди. Дунё аҳли 2001 йилнинг 11 сентябри воқеаларига қадар бу балога унчалик жиддий эътибор бермади. Тинч мамлакатларда содир этилган қўпорувчиликлар, портлашлар кўпгина оммавий ахборот воситалари томонидан «бир кунлик ваҳима» қабилида қайд этилар, жиноятчиларни топиш ва жазолаш айрим идоралар даражасида олиб борилар эди.

Халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳам, инсоний қадриятларни ҳам тан олмайдиган ёвуз кучлар бутун бир давлатни эгаллаб олиб, узлуксиз наркотик модда ишлаб чиқарар, манфур ва бераҳм жаллодларни ўзининг фахрий меҳмони атаб, ўз паноҳига олган эди. Афғонистонда қулоч ёйган офат уммонлар ошиб, олис қитъаларга ҳам етиб боргандан кейингина террорчиликка қарши жиддий курашиш зарурлигини англаш бошланди. Ваҳоланки, икки бор жаҳон урушини бошдан кечирган инсониятга касални даволагандан кўра олдини олиш осон ва афзаллигини тушунтиришга ҳожат йўқ эди.

АҚШ раҳбарлигидаги халқаро аксилтеррор коалициясининг дадил ҳаракатлари билан Афғонистонда террор ўчоқлари бартараф этилди. Ислом Каримов бунинг учун коалиция аъзоларига миннатдорлик билдирар экан, ҳали Афғонистонда кўп иш қилиш кераклигини таъкидлади. Аввало, мамлакат аҳолисини қуролсизлантириш керак. Айрим маълумотларга қараганда, Афғонистонда одамлар қўлида бир неча миллион дона ўқотар қурол бор. Урушга кўникиб қолган, қўлида касб-коридан кўра қуроли кўпроқ одамдан эса ҳар нарсани кутиш мумкин.

Бу муаммо билан ёнма-ён турган яна бир масала миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантиришдир. Ягона ҳокимиятга бўйсунадиган, малакали кадрлардан ташкил топган армиягина мамлакатда хавфсизликни сақлаб туришга қодир. Ҳаётни изга солиш, одамларни бунёдкорликка жалб этиш эса ҳукуматга тааллуқли иш. Афғонистоннинг марказий ҳокимияти мамлакатнинг барча минтақаларини бирдек ўз назорати остига олган, деб бўлмайди. Ҳукуматнинг таъсир доирасини кенгайтириш, аҳоли орасида унга ишончни мустаҳкамлаш ва кучайтириш учун улкан иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш керак. Жўн айтганда, одамлар иш билан, ҳаёт учун зарур бўлган юмуш билан таъминланмоғи лозим. Бу борада халқаро ҳамжамиятнинг кўмагисиз бирор муваффақиятга эришиш қийин. Ислом Каримов Афғонистонни тиклаш масалаларига бағишлаб ўтказилган Токио конференцияси қарорларини бажариш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти анжуман қатнашчилари эътиборини қаратган иккинчи муаммо наркобизнес бўлди. Терроризмнинг асосий озуқа манбаи айни шу «соҳа» эканлиги, терроризм билан наркобизнес чамбарчас боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Наркотик моддаларнинг ғайриқонуний етиштирилиши, сақланиши, ташилиши ва савдосига қарши курашда Марказий Осиё мамлакатларининг НАТО билан ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу билан хавфсизликка таҳдид солувчи кучларнинг молиявий манбаларига зарба берилади.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида мазкур мавзуни ривожлантириб, Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларнинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келаётганини таъкидлади.

— Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, терроризмга қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз, — деди Ислом Каримов.

(Давоми 2-бетда)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Раис жаноблари,
Ҳурматли давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари,

НАТОнинг бугунгидек ғоят нуфузли анжуманида сўзга чиқиш имконияти берилганлиги учун миннатдорлик билдиришга, шунингдек, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларимни қисқача баён этишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан.** 2001 йил 11 сентябрдаги фожиали воқеалар ҳамда — дунёнинг турли бурчакларида такрорланиб келаётган мудҳиш терроризм хуружлари натижасида мутлақо бегуноҳ одамлар қурбон бўлиши ушбу даҳшатли таҳдиддан бирон-бир мамлакат ўзини бехавотир сезолмаслиги ҳақидаги аччиқ ҳақиқат аён бўлди. Хавфсизликни, чиндан ҳам, якка ҳолда таъминлаш қийинлиги ва фақат ҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар билангина терроризм балосининг олдини олиш ва бартараф этиш мумкинлиги эътироф этила бошланди.

Биз НАТОга янги аъзолар таклиф этиш, унинг таркибига кирмайдиган мамлакатлар, аввало, Россия билан сифат жиҳатидан янги муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, НАТО тузилмаларини хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларга мослаштириш ва ўзгартириш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга оид қарорларни қўллаб-қувватлаймиз.

Бизнинг минтақадаги хавфсизлик билан боғлиқ аҳвол ҳақида сўз кетганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у бир йил аввалги ҳолатдан жиддий фарқ қилади.

Минтақамиздаги мамлакатлар Афғонистон ҳудудидаги босқинчи ва террорчи кучлар томонидан ҳар йили содир этиладиган қўпорувчилик хуружларидан халос бўлди. Энг муҳими, уларнинг ортида турган, ҳаддидан ошган толибларнинг ҳудудимизга бостириб кириши таҳдиди билан боғлиқ доимий хавф-хатардан қутулди.

Ўзбекистон, Афғонистонда амалга оширилган операциянинг ғоят масъулиятли даврида антитеррористик коалицияни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўзи учун осон бўлмаган қарор қабул қилган мамлакат сифатида ушбу таҳдид бартараф этилгани учун барча давлатларга, биринчи навбатда, халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш ҳамда Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш борасидаги ҳаракатларга бош бўлган ва асосий масъулиятни ўз зиммасига олган АҚШга ўз миннатдорлигини билдиради.

Шу билан бирга, биз яхши англаймизки, Афғонистондаги ҳамда чегара ҳудудларидаги мураккаб вазият ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топгани йўқ.

У ерда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб муаммолар мавжуд. Улар, аввало, қуролсизлантириш, миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантириш, Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш бўйича дастурларни амалга ошириш ва зарур маблағларни топиш ҳақидаги Токио конференцияси қарорларини бажаришдан иборат.

Шу муносабат билан, менинг назаримда, муҳим бир хулосани айтиш лозим.

Бутун халқаро ҳамжамият Афғонистон ўн йиллар мобайнида турли тоифадаги ақидапарастлар, экстремистлар ва террорчилар учун полигонга айланганини бефарқ кузатиб келди. Афғонистоннинг бу аянчли тажрибаси, аввало, шундан далолат берадики, замонавий тараққиёт учун энг хавфли таҳдид бўлган терроризм балоси оқибатларига қарши курашиш уни юзага келтирадиган сабабларни ўз вақтида бартараф этишдан кўра қийин ва мураккаброқдир.

Шу нуқтаи назардан, АҚШнинг жаҳоннинг бошқа минтақаларида, хусусан, Ироқда воқеаларнинг бундай салбий тус олишига йўл қўймасликка интилиш борасидаги қатъий ва изчил позицияси қўллаб-қувватлашга муносиб.

**Иккинчидан.** Бугунги кунда халқаро терроризм — ўзи озиқланиб келаётган, тобора наркоагрессия тусини олаётган наркотрафик билан чамбарчас боғланиб кетмоқда.

Наркотиклар ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бораётгани ва дунёдаги энг йирик наркотрафик каналлардан бири Афғонистондан бошланиши жиддий ташвиш уйғотади.

Улкан молиявий ва бошқа ресурсларга эга бўлган халқаро наркотрафик — энг аввало, қудратли, яхши уюшган, бугунги кунда деярли бутун дунёни қамраб олган тизим сифатида миллионлаб одамларнинг ҳаётига таҳдид солмоқда.

Афсуски, бугунги кунда турли халқаро ташкилотлар шафеълигида амалга оширилаётган кўплаб дастурлар ва Марказий Осиё минтақасида ушбу таҳдидга қарши қўйишимиз мумкин бўлган чора-тадбирлар ўзаро яхши мувофиқлаштирилмаган, молиявий ҳамда моддий ресурслар билан етарли даражада мустаҳкамланмаган.

Менимча, ушбу тарқоқ дастурлар ўрнига, аввало, мазкур даҳшатли таҳдид манбаларини бартараф этиш ва минтақада «хавфсизлик камари»ни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини яратиш керак. Ягона марказдан бошқариладиган аниқ, қатъий, пухта ўйланган профилактика ва огоҳ этувчи чора-тадбирлардан иборат бу тизимни ташкил этиш зарурлигини эса исботлашга ҳожат йўқ.

**Учинчидан.** Ўзбекистон НАТОга аъзо мамлакатларнинг — Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро алоқаларини янада фаоллаштиришга, биринчи навбатда, хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, терроризмга қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, биз НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, экологик хавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг реал истиқболларини кўриб турибмиз.

Барча давлатлар томонидан БМТнинг ядровий ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги қарорлари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги резолюциясининг бажарилишини таъминлаш масалалари НАТОнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигида муҳим йўналиш ҳисобланади.

Агар бугунги кунда террорчилар кимёвий, биологик, ядровий қуроллар ва юқори технологик ишланмаларни қўлга киритишга интилаётганини ҳисобга олсак, минтақамиз мамлакатларининг бу соҳада НАТО билан ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш янада муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Сўзим якунида XXI аср вабоси ҳисобланмиш халқаро терроризмга қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш мумкинлигини яна бир бор таъкидлашни истардим.

«Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида йўл тутиб, бундай ғайриинсоний таҳдиддан ҳимояланишга интилишнинг келажаги йўқ, янада аниқроқ айтганда, мутлақо самарасиздир.

Бугун ушбу курашда кўп нарса ҳар бир мамлакатнинг бу жараёнда нечоғлик фаол иштирок этишига боғлиқдир.

Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг собит йўлига амал қилаверади ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ЎзХДП ХАБАРИ

# ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг 2002 йил 25 ноябрда бўлиб ўтган мажлисида туман ва шаҳар кенгашлари семинарларининг якунлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўтказилган мазкур семинарларда туман ва шаҳар партия кенгашлари ижроия бюролари аъзолари ва масъул ходимлари, ЎзХДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирок этдилар.

Уларда, мамлакатимизда бошланаётган парламент ислоҳотида Ўзбекистон ХДП ва унинг маҳаллий ташкилотларининг иштироки билан боғлиқ масалалар билан бир қаторда, партия ташкилотларининг ташкилий, тарғибий, ташвиқий, парламентчилик, молиявий-хўжалик ишларини бугунги талаблар даражасига кўтариш, уларнинг тузилмаларини такомиллаштириш, турли жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлигини ривожлантириш вазифалари ҳам муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда шундай семинарларни бундан кейин ҳам ўтказиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланиб, уни амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон ХДП кенгашлари зиммасига юклатилди.

МК Котибияти мажлисида партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўрилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ**

# СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ БОСҚИЧ

**Жамиятда демократик тамойиллар шаклланиши учун ҳар бир мамлакатнинг аҳолиси сиёсий жиҳатдан фаол бўлиши керак. Давлат аҳамиятига молик масалаларга нисбатан фуқароларнинг онгли равишда муносабат билдириши, шак-шубҳасиз инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳуқуқлари ҳимояси, энг муҳими, жамиятнинг янада демократлаштириш йўлига ўтилганлигидан далолатдир.**

**Бепарволик ва лоқайдлик, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга бефарқ қараш ўз-ўзидан юртимиздаги бугунги демократик, янгиланиш жараёнларига нисбатан ҳам бефарқликдир. Аҳолининг сиёсий жиҳатдан фаоллигини ошириш, аниқ қилиб айтсак, кишиларда юртимиз тараққиёти учун ҳар жиҳатдан даҳлдорлик ҳиссини уйғотишда, энг аввало, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўз зиммаларидаги бу масъулиятли вазифани қай даражада адо этишмоқда, умуман, бу борадаги ишлар қониқарлими, — деган ҳақли саволлар пайдо бўлаяпти. Юртимизда ҳақиқий кўп партиявийлик, демократик парламентаризм тизими, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтириш, жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган муҳолифат пайдо бўлишига ҳисса қўшишда сиёсий партия ва ҳаракатларнинг аҳамияти катта.**

**Очиғи, юртимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим омилларига эътибор қаратиш, бугунги кунда матбуотимиз, кундалик нашрларимиз учун янги, шу билан бирга, кенг ва тўлақонли қамровга эга асосий мавзулардан бирига айланиб турибди. Тан олиш керакки, сиёсий партия ва ҳаракатлар фаолиятига тааллуқли чуқур таҳлилий чиқишлар, шу йўналишдаги мақолалар деярли кўзга ташланмаётгани ҳам бор гап. Ваҳоланки, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартларидан бири, бу — «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган тамойилни ҳаётга татбиқ қилиш билан бевосита боғлиқдир. Шуни инобатга олган ҳолда, мазкур тамойилнинг амалга ошуви юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгашида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қуйида ўқувчиларимизга айрим партия фаолларининг мазкур йўналиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазаларини ҳавола этаяпмиз.**

2 бет →

ОБУНА — 2003

# «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА — 50 НУСХА

## обуна бўлдик, — дейди Сирдарё вилоятидаги Оқолтин иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори, профессор Ёвқочди ҲАЙДАРОВ

— Бошқа матбуот нашрлари хам назардан четда қолгани йўқ. Чунончи, «Халқ сўзи», «Маърифат», «Ҳуррият», «Туркистон» ва вилоят, туман газеталарига ҳам кўплаб ўқитувчиларимиз, устоз-мураббийларимиз, талабалар иштиёқ билан ёзилдилар.

Матбуот бу — ҳаёт кўзгуси, янгиликлар элчиси. У билан ошно бўлган киши замон нафасини, дунёнинг томир уришини сезиб-билиб туради. Зеро, ёш авлодга тарбия бераётган ўқитувчи ва мураббийлар учун бу фазилатлар сув билан ҳаводек зарур. Жамоамизда матбуотга меҳр қўйган, нашрларнинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутадиган ва ундан олган сабоқларини ёшлар онгига етказишга ошиқадиган жонкуярлар кўп. Шуларнинг саъй-ҳаракати, тарғибот ва ташвиқотлари туфайли обуна мавсуми жамоамизда ҳар йили кўтаринки руҳда ўтказилади. Бу борада жамоамизда кўп йиллардан буён фидокорона меҳнат қилаётган Ботир Маденов, Орзиқул Абдуллаев, Акмал Шукуров сингари ўқитувчиларнинг фидойилиги таҳсин ва ташаккурга сазовордир. Жамоамизда ХДП аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Шунинг учун улар биринчи навбатда партиямиз бош нашри — «Ўзбекистон овози»га обуна бўлдилар, шу кунгача 50 нусха расмийлаштирилди. Эътиборли томони шуки, уларнинг ҳаммаси йиллик обуна.

**Бобо САРОЙИ**

# НАТО: ҲАМКОРЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ОЧИҚЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари билан НАТО ўртасидаги ҳамкорлик бир томонлама манфаатдорликка асосланмаганини таъкидлаш жоиз. НАТО минтақасидаги барқарорлик маълум даражада бизнинг минтақамиздаги барқарорликка таянади. Яъни, айри ҳолда ҳеч бир минтақа ё мамлакат ўзини хавф-хатардан батамом холи ҳисоблай олмайди. Маълумки, Ўзбекистон ташаббуси ва Марказий Осиё мамлакатлари қўшма саъй-ҳаракатлари билан БМТ Бош ассамблеяси томонидан минтақамизда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисида резолюция қабул қилинган. Мазкур ташкилотнинг оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги қарори ҳам бор. Барча давлатлар томонидан ана шу ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш ҳам бизнинг НАТО билан ҳамкорлигимизда муҳим йўналишдир.

Мамлакатимиз раҳбари буни қуйидагича изоҳлади. Бугунги кунда террорчилар кимёвий, биологик, ядровий қуроллар ва юқори технологик ишланмаларни қўлга киритишга интилмоқда. Демак, бундай хавфнинг олдини олиш борасида минтақамиз мамлакатларининг НАТО билан ҳамкорлигини кенгайтириш жуда муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

«Ҳамкорлик, хавфсизлик ва очиқлик» шиори остида ўтган Прага саммитида террорчилик муаммоси қаторида бошқа муҳим масала ҳам кўриб чиқилди. НАТО мамлакатлари яна 7 давлат — Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Словакия, Словения ва Руминияни ташкилотга аъзо бўлишга расман таклиф этди. Келаси икки йил ичида НАТО аъзолари сони 26га етади. Шу муносабат билан Бош котиб Ж.Робертсон саммитни тарихий воқеа, деб атади. Чунки ташкилот ўзининг ярим асрдан ортиқроқ тарихи давомида бунчалик кенгаймаган. Демакки, бундай улкан хавфсизлик зонасини яратмаган: НАТО минтақаси яна 593 минг квадрат километрни ўз ичига олмоқда.

Бош котиб Прага саммити альянс аъзолари ва шериклари XXI асрда халқаро хавфсизликнинг самарали тизимини яратишда фаол ҳамкорликка тайёр эканлигини яна бир карра исботлаганини таъкидлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни пайтда НАТОнинг кенгайиши ҳеч бир давлатнинг миллий хавфсизлигига дахл қилмайди. Буни қабул қилинган қарорлардан ҳам кўриш мумкин. Келаси йилларда Шимолий Атлантика альянсининг ҳарбий салоҳияти ислоҳ этилиб, қўмондонлик тузилмаси такомиллаштирилади. Ҳарбийлашган қўмита ва бошқа тузилмалар ҳам анча қисқартирилади.

«Совуқ уруш» тугагани, аммо халқаро террорчилик, диний экстремизм ва миллий айирмачилик каби балолар таҳдид солаётгани НАТОни ҳам янги замонга мослашишга ундамоқда. Ташкилот ҳузуридаги қўшинларнинг шахсий таркибини қисқартириш ва халқаро тезкор ҳаракат кучларини тузиш тўғрисидаги қарор ҳам НАТОнинг янги даврга мослашаётганидан далолатдир.

Ислом Каримов ҳар бир мамлакат ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, суверенитетини ҳимоя қилиш учун халқаро ҳуқуқ меъёрларига таянган ҳолда ўзининг мудофаа доктринасини ишлаб чиқишга ҳақли эканлигини кўп таъкидлаган. НАТО сафини кенгайтиражак мамлакатларга нисбатан ҳам шу нуқтаи назардан туриб ёндашиш керак. Уларнинг мақсади ҳамкорлик орқали хавфсизликка эришишдан иборат эканлиги равшан.

Нафақат улкан ҳарбий салоҳият, балки илм-фан, технология, демократик институтларни ривожлантириш ва кўплаб бошқа соҳаларда катта имкониятларга эга НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳамда Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида муносабат қуриш Ўзбекистоннинг ҳам манфаатларига мосдир. Янги замон талабларига муносиб жавоб бераётган мамлакатлар сафида бўлиш янгича таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш ё уларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга. Умумлаштириб айтганда, халқаро террорчиликка қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни фақат ҳамжиҳатликда сақлаб туриш мумкин. Демак, Президентимиз айтганидек, «Ўзбекистон бундан буён ҳам НАТО ва Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзининг собит йўлига амал қилаверади ҳамда хавфсиз ва барқарор дунёни шакллантириш ишига ўз ҳиссасини қўшаверади».

■ **Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Прага — Тошкент.

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШ МУАММОЛАРИ

Жорий йилнинг 20-21 ноябрь кунлари Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида **«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари — Ўзбекистонда ислоҳотлар: ҳозирги даври ва истиқболлари»** мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Минтақалараро ва стратегик тадқиқотлар институти томонидан, мамлакатимиздаги қатор нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда, ташкил этилган анжуман ишида давлат идоралари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар (шу жумладан, ХДПнинг барча минтақавий ташкилотлари), жамоат бирлашмалари, ёшлар марказлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Баҳодир Халилов, республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова, Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари Ражаб Қодиров, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров, «Миллий тикланиш» ДП ва «Фидокорлар» МДП Марказий кенгашлари раислари Иброҳим Ғофуров ва Ахтам Турсунов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Аъзам Гадойбоев, Германия «Ёшлар иттифоқи» ташкилоти вакили Михаэль Шляй, ГФР Бундестаги депутати Вера Ленгсфельд ва бошқаларнинг маъруза ҳамда нутқлари конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда ГФРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер сўзга чиқди.

Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё давлатлари бўйича мухтор вакили Томас Кунце ва Минтақалараро ва стратегик тадқиқотлар институти директори Равшан Алимов мазкур конференциянинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги муаммолар ечимини топишга кўмаклашишига ишонч билдириб, иккала ташкилот ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни давом эттириш лозимлигини таъкидладилар.

■ **Собир ШЕРАЛИЕВ**

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

# СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДА МУҲИМ БОСҚИЧ

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ОЛДИДАГИ СИНОВ

**Фармон ОМОНОВ, ЎзХДП Қашқадарё вилояти кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати:**



— Маълумки, ривожланган демократик мамлакатлар парламенти депутатларининг аксарият қисми муайян партиянинг вакиллари бўладилар. Мустақил депутатлар унча катта бўлмаган гуруҳни ташкил этадилар ва парламентда салмоқли ўрин тутмайдилар. Шундай экан, парламент ишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг сафларида фаолият кўрсатаётган ҳамда аҳолининг маълум гуруҳ ва қатламлари манфаатларини ифода этувчи сиёсий кучларнинг таркиби ва нисбатига боғлиқ бўлади.

Парламентимиз қуйи палатаси, яъни, Қонунчилик палатасининг келажакда, асосан, сиёсий партиялар вакилларидан иборат бўлишининг кўзда тутилаётганлиги, юртимиздаги демократияни ривожлантиришда катта қадамдир. Ушбу ҳолат сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтиради, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, оммавий-ахборот воситаларининг фаоллигини оширади.

Лекин, шу билан бирга, Ўзбекистонда ривожланган кўппартиявийлик тизимини қарор топтириш жараёни, ҳозиргача ўтиш даврида эканлигини, у мураккаб ва нотекис кечаётганлигини эътибордан қочирмаслик керак. **Бу ҳол, кўп жиҳатдан, аҳоли сиёсий маданияти, партиялар билан давлат ҳокимияти идораларининг ўзаро муносабатларида тажрибанинг бир мунча озлиги билан ҳам боғликдир.** Парламент ислоҳоти эса, албатта, ушбу масалаларнинг замонавий ечимини топишида, демократиянинг янада ривожланишида муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман.

## БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАРГА ҲОЗИРЛИК

**Атаулла АСАНОВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши биринчи котиби, Қорақалпоғистон Республика Жўқорғи Кенгеси депутати:**



— Мамлакат парламентини икки палатали тизимга ўтиши, унинг қуйи — Қонунчилик палатаси, асосан, сиёсий партиялар вакилларидан иборат бўлишлиги жамиятимизни, шу жумладан, фуқароларимизни ҳам сиёсий жиҳатдан фаоллашуви вазифасини қўймоқда.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилоти сафида 47 мингга яқин аъзо бор. Бўлажак сайловларга тайёрланиш жараёни бошланмоқда. ХДПнинг барча даражадаги тузилмаларида семинар-кенгашлар ўтказилиб, ташкилотларимизнинг бу соҳадаги вазифалари белгиланмоқда.

Партиямизнинг 17 та шаҳар ва туман кенгашлари, 789 та бошланғич ташкилотлардаги семинар-кенгашларда Олий Мажлис тўққизинчи сессияси ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Бугунги кунда барча партия ташкилотлари парламентлик фаолияти белгиланган йўналиш асосида олиб бормоқда. Шаҳар ва туман марказларида партия кенгашлари ҳузурида, қишлоқларда фуқароларнинг яшаш ва иш жойларида депутатлар қабулхоналари ташкил қилинди. Фуқароларни қабул қилиш жадваллари «Қарақалпақстан ҳаўазы» ҳамда шаҳар ва туман газеталарида эълон этилди.

Партия ташкилотлари билан депутатларимиз ўртасидаги мунтазам ҳамкорликнинг аҳамияти шундаки, бу ўринда сайловчиларнинг таклиф ва талаблари ўрганиб чиқилмоқда. У шу билан бирга фуқароларнинг сиёсий маданиятини ошириш, уларга ўз фуқаролик бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳам мазкур учрашувларнинг муҳим самарасидир.

Бу ишларнинг амалга ошуви, албатта, жойлардаги партия ташкилотларининг фаоллиги, сафдошларимизнинг сиёсий ижтимоий жиҳатдан анча етуклиги билан ўлчанади.

## МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ РАВНАҚИГА ДАХЛДОРМИЗ

**Латиф ҒУЛОМОВ, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби:**



— Фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини Президентимиз ўзининг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасидаёқ қуйидагича тушунтирган эди: **«Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир».**

Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай туб ўзгариш бир уринишда, бирданига ва қисқа муддатда ҳал бўладиган нарса эмас. Бу жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган, узоқ муддатли мураккаб жараёндир.

Бизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, давлатнинг аҳолини мўлжалли ижтимоий ҳимоя дастурлари мавжудлиги ҳаммага маълум. Улар узлуксиз амалга оширилмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, ҳозирги ўтиш даврида ишсизлик, нарх-наво муаммолари, коммунал хизматларнинг талаблар даражасида эмаслик ҳоллари ҳам учрамоқда. Демак, бу соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттиришимиз талаб қилинади.

Ёки маънавият соҳасини олиб кўрайлик. Истиқлол маънавиятини шакллантириш, ватандошларимиз дунёқарашини миллий истиқлол ғояси билан бойитиш, ёшларни унинг руҳида тарбиялаш соҳасида республикамизда Юртбошимиз ташаббуси билан қилинаётган ишларни санаб адоғига етиш қийин. Аммо, жамоат тартибини бузаётган, ахлоқий бузуқликка рўжу қилган, Ватан, халқ олдидаги бурчини унутган айрим кимсалар, экстремистик оқимлар домига илинган ёшлар ҳам топилади. Бундан бу соҳадаги ишларимизнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозим, деган хулоса келиб чиқади.

Ўзбекистонда маъмурий буйруқбозликка асосланган Шўро давлати харобазорлари ўрнида миллий давлатчилигимиз қад кўтарди ва у бугунги кунда бутун дунёда эътироф этилди. Бироқ, давлат идоралари ва суд тизимида учраётган айрим сансалорлик, тўрачилик, порахўрлик, инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари давлатимиз шаънига доғ туширяпти, ислоҳотлар боришига тўғаноқ бўлаётир. Бу иллатларни бартараф қилмай туриб олдинга силжиш мумкин эмас.

Кўриниб турибдики, барча соҳалардаги бошланган туб ислоҳотларни янада чуқурлаштирмай, уларни охирига етказмай, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини чиндан янгиламай ҳақиқий демократия ва фуқаролик жамияти тўғрисида гапириш мушкул. Демак, мамлакатимиздаги тақдиршумул ислоҳотларни тўла-тўкис амалга ошириш фуқаролик жамиятига ўтишнинг муҳим шартидир.

Ким буни амалга оширади? Жавоб битта: давлат ҳам, нодавлат ташкилотлар, шу жумладан, сиёсий партиялар ҳам, фуқароларнинг ўзлари ҳам! Партиямиз (унинг Тошкент шаҳар ташкилоти ҳам) ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришга фаол кўмаклашишни ўзининг дастурий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди ва шу йўналишдаги ишларни (ўзининг Олий Мажлисдаги депутатлик фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги вакиллари, матбуот нашрлари, кўпсонли тарғиботчи-ю ташвиқотчилари орқали) мунтазам олиб бормоқда.

## МАМЛАКАТ БОЙЛИГИ, КУЧИ — ҚУДРАТИ...

**Муҳаббатхон АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби:**



— Дунёдаги энг катта бойлик нима? Инсоннинг ўзи, албатта. Давлатнинг энг катта бойлиги-чи? Мамлакатнинг фуқаролари, уларнинг маънавияти, мафкураси.

Давлат сиёсати халқ дунёқараши билан уйғунлашганда ислоҳотлар самара беради. Тараққиётнинг мана шу ҳақиқати бизда тўғри ҳисобга олинди, яъни, ислоҳотларнинг йўналиши янги замон кишисини ички дунёси билан уйғунлашяпти. Одамлар қалби, билими, маданиятини юксалтириш, уларни мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган улуғвор ишлардан хабардор қилиш, шахснинг маънавий оламига эътибор қаратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Партиямизнинг серқирра фаолиятида тарғибот-ташвиқот, оммавий-сиёсий ишлар доимий ва муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу, бир томондан, ХДП аъзоларининг ижтимоий онгини оширади ва сиёсий маданиятини юксалтиради, иккинчи томондан, партиянинг ғоялари, унинг раҳбар органларининг қарорларини оммалаштириш, учинчидан, жамиятнинг маданий-маърифий ҳаётида иштирок этиш лозимлиги билан изоҳланади. ХДП ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб боришда, вилоятдаги «Маърифат» марказларининг ўрни беқиёс. «Маърифат» марказлари негизида партия фаолларидан тузилган 150 дан ортиқ тарғиботчиларимиз фаол иштирок этишмоқда. Маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар алоҳида аҳамият касб этади. Олий Мажлиснинг бўлиб ўтган тўққизинчи сессияси материалларини тарғиб қилиш мақсадида Наманган давлат университети «Маънавият ва маърифат» маркази билан илмий-амалий конференция ўтказилди. Худди шундай конференциялар вилоятимиздаги қатор туман ва шаҳарларда ҳам бўлиб ўтди.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан аҳоли истиқомат жойларида мунтазам равишда давра суҳбатлари уюштирилаяпти. ХДП Тўрақўрғон, Наманган, Уйчи, Норин туман кенгашлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлинмалари билан биргаликда «Огоҳлик — давр талаби», «Терроризм — инсониятнинг ёвуз душмани» мавзуларида учрашувлар ўтказилди.

**Жамият маърифатга, маънавиятга юз бурдими, демак, у инсонийликка, эзгуликка, адолатга, фаровон ҳаёт сари дадил қадам ташлайди. Фуқаролари маърифатли, маънавиятли жамиятгина кучли бўлади.**

## МАТБУОТ — ДЕМОКРАТИЯ ВА ЭРКИНЛИК МИНБАРИ

**Баҳодир БОБОЖОНОВ, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати:**



— Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси — **давлат идораларининг фаолияти, жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан жамоатчилик назоратининг мавжудлигидир. Буни оммавий ахборот воситаларининг кундалик саъй-ҳаракатларисиз амалга ошириб бўлмайди.** Чунки, улар очиқликни, ошкораликни таъминлайдилар, идоралар, ташкилотлар, мансабдор шахсларнинг фаолияти, шу жумладан, хато ва камчиликлари, нотўғри ҳаракатлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб турадилар. Албатта, бунинг учун ОАВ «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилишлари керак.

Замона талабларига жавоб берадиган оммавий ахборот воситаларисиз демократик давлатни бунёд этиш ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш мумкин эмас. Шуни назарда тутиб, Президентимиз республика Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида: **«Барча оммавий ахборот воситаларига, мулк шакли, тиражи, қамрови ҳамда мавзу йўналишларидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу — жамиятни том маънода демократлаштириш гаровидир»,** деб таъкидлади.

Бизнингча, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ҳозирча улар бажариши лозим бўлган вазифаларни тўла бажараётганлари, демакки «тўртинчи ҳокимият»га айланганларича йўқ. Лекин, давлат томонидан уларнинг фаолият шароитларини яхшилашга қаратилган жиддий қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, матбуот ишига ҳар қандай аралашувлар тугатилганлиги, Олий Мажлис ўнинчи сессияси кун тартибига «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг (иккинчи ўқишда) киритилаётганлиги шундан далолат бермоқда. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий негизи янада кенгаяди.

Мадомики, матбуот, телевидение, радиоэшиттириш, Интернет фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг муҳим воситалари эканлар, сиёсий партиялар уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилишларига кўмаклашишлари ва албатта, ўз фаолиятларида уларнинг бой имкониятларидан самарали фойдаланишлари керак. Бундан сиёсий партияларнинг ўзлари ҳам, бутун жамият ҳам, ҳар бир фуқаро ҳам манфаатдордир.

## ПРОФЕССИОНАЛ ДЕПУТАТЛИККА МОС ТАНЛОВ

**Ҳамро ЭРМАТОВ, ЎзХДП Сурхондарё вилояти кенгаши биринчи котиби, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати:**



— Икки палатали парламентга ўтиш демократия сари қўйилган йирик қадамдир. Бу борада эса сиёсий партияларнинг аҳамияти ошиб бориши, шубҳасиз. **Аммо, бу деган сўз сиёсий партияларга бериладиган қуруқ имтиёз эмас, балки партиялар зиммасига жамият томонидан қўйиладиган улкан масъулиятдир.** Бу деган сўз, биринчидан, ҳар қандай сиёсий партия қонун чиқарувчи палатадаги вакиллари орқали қонунлар яратиш ҳуқуқига эга бўлади. Қонун эса ҳар қандай ҳуқуқий жамиятнинг қон томири ҳисобланади. Жамият тараққиёти эса унда яратиладиган қонун билан белгиланади. Партия учун бундан олийроқ масъулият бўлмаса керак.

Иккинчидан, Қонунчилик палатаси, бу — профессионал палата. Бундан эса профессионал депутатлик мақоми келиб чиқади. Энди аввалгидек депутатликни қандайдир бир имтиёз деб тушунганлар янглишадилар. Чунки профессионал парламент вакиллари аввалгидек қонунлар муҳокамасида иштирок этиш билан чекланмай, балки қонун яратиш билан машғул бўлиб қоладилар. Бу эса ҳар қандай депутатдан нафақат профессионал, балки универсал билим ва маҳорат талаб этади. Бу, ўз навбатида, сиёсий партиялар олдига катта масъулият, яъни профессионал депутатликка мос танлов ўтказиш вазифасини қўяди. Шу боис, партиямизнинг вилоятдаги барча бўғиндаги ташкилотлари фаолиятини ривожлантириб бораяпмиз.

Партия ташкилотлари аввало «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» фундаментал принципининг мақсад ва ғояларини кенг аҳоли орасида тарғиб қилиш, унинг моҳиятини омма орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Бу вазифа эса кўп қиррали ва турли-туман шакл ва усулларга эга.

Булар илмий-амалий ва назарий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ва бошқа маънавий-маърифий ишлардан иборатдир. Хуллас, мақсадимиз аён: Аҳоли кенг қатламини демократик жамиятнинг асосий ғоялари билан таништиришдир.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ОЗОД ЮРТ ПОЙДЕВОРИ

## Асосий қонунимизнинг айрим бобларига қисқача шарҳ



Конституциямиз нафақат жамиятнинг турли жабҳалари ёки давлат ҳокимияти тармоқлари фаолиятининг, балки ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳаёти учун зарур бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзида ифодалаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мамлакатимиз Асосий қонунининг VII, VIII, IX бобларида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари белгиланган бўлиб, улар юртимизда яшаётган ҳар бир шахснинг ҳаётий эҳтиёжларини ўзида акс эттирган.

Маълумки, Конституция ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаши билан бир қаторда уларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Конституциямизнинг 43-моддасида: «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», деб қайд этилиши бунинг ёрқин исботидир.

Асосий қонунимиз нафақат шахс, жамият ва давлат ҳаёти учун муҳим қоида-талабларини белгилайди, шунингдек, шахс камолоти, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларнинг асосий йўналишларини кафолатлашга ҳам хизмат қилади.

Бугун жадал ривожланаётган даврда инсон ҳуқуқлари, сўз ва матбуот эркинлигини таъминламасдан туриб, кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас.

Асосий қонунимизнинг X боби бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларига бағишланган бўлиб, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва бошқа ташкилотлар ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан судга шикоят қилиши, инсон ҳуқуқларининг тенглиги ва давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамланган.

Шунингдек, 67-моддада: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди», — деб белгиланган. Бу сўз ва матбуот эркинлиги, ошкораликни таъминлаш, ахборот соҳасини такомиллаштириш, матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш, эркин рақобат муҳитини яратиш билан боғлиқ асосий устувор йўналиш ва вазифаларнинг ҳуқуқий тамойилларини белгилашга хизмат қилади.

Асосий қонунимизнинг XIII бобида давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради, сиёсий партиялар демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузиш ва шакллантиришда иштирок этишлари каби қоидалар ифодаланган бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳаётидаги муҳим вазифаларни амалга оширишга имконият яратади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланган яна бир устувор йўналишни амалга оширишда марказий давлат бошқарув органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич беришдан иборатдир.

Ушбу устувор вазифаларнинг ҳуқуқий асоси Конституциямизнинг XXI бобида ҳам эътироф этилган. Унда вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, қишлоқ, овул ва маҳаллаларда фуқаролар йиғинларининг ваколатлари белгилаб берилган. Демак, Асосий қонунимиз бугунги кунда фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ устувор йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга хизмат қилади.

Конституция ва қонунларда белгиланган қоида-талабларни амалда қўллаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашда суд-ҳуқуқ органлари фаолиятининг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади. Суд мустақиллигини таъминлаш йўлидаги устувор йўналишлар Асосий қонунимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» деб номланган XXII бобида белгиланган бўлиб, бугунги кунда суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш, судларнинг моддий-техника базасини яратиш ва судьяларнинг ижтимоий муҳофаза тизимини яратиш борасида муҳим вазифаларни амалга оширилишини кафолатлайди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Ушбу муҳим йўналишларнинг конституциявий асослари бевосита V, VII, IX, XII бобларда ифодаланиб, инсоннинг ҳаёти ва эркин фаолияти учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, экологик чора-тадбир ва имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш ҳар бир фуқаронинг бурчи ҳисобланади.

■ **Шуҳрат ФАЙЗИЕВ,**
**ТДЮИ тадқиқотчиси, юридик фанлари номзоди, доцент**

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# ҲАМКОРЛИКДАН ҲАММА МАНФААТДОР

**НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитининг тарихий аҳамияти нимада? НАТОга аъзо бўлиш, бу ташкилот билан ҳамкорлик қилишдан қандай фойда кўрилади?**

Бу саммитнинг тарихий аҳамияти шундаки, унда НАТОнинг тўлақонли аъзолари билан бирга, бу ташкилотнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида қатнашаётган давлатлар ҳам иштирок этдилар. Ўзбекистон ана шундай давлатлардан бири. Айтиш мумкинки, бу саммит ўтган ҳафтанинг энг катта ва аҳамияти жиҳатидан энг муҳим сиёсий воқеаси бўлди.

Аввало, шундай катта анжуман тинч ва осойишта шароитда, ишчанлик вазиятида, ўзаро ишонч руҳида ўтганлигини таъкидлаш керак. Баъзи кузатувчилар ҳамда журналистлар башорат қилганидек, Прага кўчаларида антиглобалистларнинг чиқишлари, НАТОнинг кенгайишига қарши бўлган кучларнинг норозилик намойишлари ва бошқа иғвогарликлар ёки безориликлар кузатилмади; шунингдек, саммитнинг иккинчи иш кунида кутилмаганда мажлислар залида Ироққа қурол сотишда гумон қилинаётган Украинанинг президенти Леонид Кучма пайдо бўлганида ҳам, Белорусия вакили қизишиб баёнот берганида ҳам ҳеч ким ўрнидан туриб чиқиб кетмади. Бир сўз билан айтганда, саммит ишида дипломатик муҳит ҳукмрон бўлди. Бу унинг иши самарали бўлиши ва муваффақиятли якунланиши учун имконият яратди.

Саммитнинг ҳар иккала иш кунида ҳам ғоят долзарб масалалар кўриб чиқилиб, ҳал қилинди. Жумладан, биринчи иш кунида давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида қисқа муддатда, яъни атиги бир неча кунда зарур бўлган ҳар қандай жойда тез ҳаракат қила оладиган, тахминан 20 минг ҳарбийдан иборат корпусни ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, оммавий қирғин қуролларига қарши кураш механизмини такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди. Бундан кейин НАТОнинг сафини кенгайтириш зарурми ёки йўқми, деган масала ҳам ўз ечимини топди. Яъни, НАТОнинг кенгайиши ҳеч кимга халақит бермайди, ҳеч кимга зарар етказмайди ва ҳеч кимга қарши қаратилмаган, деган қарорга келинди. НАТОнинг бугунги мақсад ва вазифаси тинчликни ҳамда хавфсизликни таъминлаш, турли низолар ва ҳарбий можароларни бартараф этишда қатнашиш, халқаро терроризмга қарши кураш, аъзо мамлакатлар ҳамда шериклик асосида ҳамкорлик қилаётган давлатлар билан ҳарбий-илмий алоқалар ўрнатиш ва биргаликда ҳарбий машқлар ўтказиш, қуролли кучларни янгилаш ва такомиллаштириб боришда ёрдам бериш, эркин демократия ҳамда бозор муносабатлари йўлини танлаган давлатларни қўллаб-қувватлашдан иборат эканлиги қайта-қайта таъкидланди.

НАТОнинг бугун жаҳонда тутган ўрни ва аҳамиятидан, ана шундай кенг қамровли вазифасидан келиб чиқиб хулоса қилинадиган бўлса, бу ташкилот билан ҳамкорлик қилишдан манфаат кўриш истагида бўлган давлатлар сони бундан кейин ҳам ортиб бориши аниқ. Ўтган ҳафтадаги саммитда ана шундай давлатлардан еттитасининг истаги ижобат бўлди. Уларни қабул қилиш тўғрисида бир қарорга келинди. Энди навбатда Албания, Хорватия, Македония ва ариза берган яна бир неча давлат турибди. Бироқ НАТОга қабул қилиш узоқ давом этадиган жараён. Ҳатто Прага саммитида истаклари қондирилган давлатлар ҳам 2004 йилдан кейингина ўзларини НАТОнинг тўлақонли аъзолари деб ҳисоблашлари мумкин. Унгача турли ташкилий-расмий босқичлардан ўтишади.

Албатта, НАТО аъзолигига қабул қилинган давлат раҳбарларининг ҳамда халқларнинг қувончлари чексиз. Буни биз телеэкранда кўрдик. Давлат раҳбарлари Прагадаёқ ўз хурсандчиликларини яшира олмаган бўлсалар, оддий одамларнинг қувончи АҚШ президенти Жорж Буш саммитдан кейин Руминия билан Литвага ташриф буюрганида намоён бўлди. Халқнинг олқишидан бутун Бухарест ларзага келди. Кейинги йилларда Европанинг бирорта шаҳрида кўча ва майдонларни тўлдирган юз минглаб одамларнинг қиёфаларидаги бундай байрамона шодиёналик ҳали кузатилмаган экан. Хориж тележурналистлари ҳатто: «Бу манзарани кўрган ҳар қандай киноюлдуз Бушга ҳасад қилиши мумкин» дея шарҳлашди. Вильнюс кўчаларидаги манзара, литваликлар шодиёнаси ҳам бундан кам эмасди. Афтидан, қувончли ҳиссиёт, ҳаяжон Жорж Бушни ҳам қамраб олди. У минбардан пастга тушиб, ўзини олқишдан энтикаётган одамлар бағрига отди. Мен бу ҳаяжонли манзараларни «Евроньюс» телеканали орқали кузатдим. НАТО аъзолигига қабул қилинган бошқа мамлакатларнинг халқлари ҳам бу воқеани ўзлари учун катта бир тарихий имконият сифатида кенг нишонладилар. Энг муҳими, уларнинг кўп йиллик орзулари ушалди.

Хўш, НАТОга аъзо бўлишлик ўша давлатга хавфсизликни таъминлашдан ташқари яна қандай имкониятлар бериши мумкин?! Аввало, қуролли кучларни ислоҳ қилишни, ишлаб чиқаришда бозор муносабатларини, ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократик ўзгаришларни жадаллаштириш учун қулай имкониятлар яратади. Демак, тараққиёт тезлашади. Хорижлик инвесторларнинг ўша давлатга қизиқишлари ва ишончи ортади. Халқаро молия институтларининг унга ёрдами кучаяди. Бир сўз билан айтганда, бу давлат нафақат хавфсизлик нуқтаи назаридан, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ҳимояда бўлади. Бир мисол. Бундан уч йил олдин Польша, Венгрия ва Чехия НАТОга аъзо бўлган эди. Шундан кейин уларга тўғридан-тўғри ажратилаётган хориж инвестициялари ҳажми йил сайин ортиб борди. Жумладан, бу йил ана шу учта мамлакатга ажратилган маблағ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига ажратилган жами инвестициянинг 73 фоизини ташкил этди. Муҳими, буларгина эмас. Кўплаб кузатувчиларнинг фикрича, бугунги кунда НАТОга аъзолик ёки НАТО билан тинчлик йўлида ҳамкорлик қилиш хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан бирга, аввало, ҳар бир жамоани ва шахсни ички ҳамда халқаро терроризм таҳдидидан ҳимоя қилиш учун имконият яратади.

Энди Ўзбекистоннинг НАТО билан тинчлик йўлидаги ҳамкорлиги бераётган самаралар ва бу борадаги ҳамкорликнинг бундан кейинги истиқболларига келсак, буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши саммитида сўзлаган нутқида аниқ-равшан ифодалаб, жумладан, шундай деди: «Биз НАТО билан тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз ва Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш учун ўқув ва ахборот марказларини ташкил этиш, чегараларни замонавий воситалар билан жиҳозлаш, терроРчиликка қарши курашиш борасида тайёргарликни янада такомиллаштиришга йўналтирилган шериклик муносабатларимизни кенгайтириш тарафдоримиз.

Шу билан бирга, биз НАТО ва Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши билан демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, экологик хавфсизликни кучайтиришга кўмаклашиш масалалари бўйича ҳамкорлигимизнинг реал истиқболларини кўриб турибмиз».

Президентимиз ўз нутқида БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги резолюциясининг бажарилишини таъминлаш НАТОнинг шу минтақадаги мамлакатлар билан ҳамкорлигида муҳим йўналиш эканлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида давлат ва ҳукумат раҳбарлари эътиборини Афғонистондаги ҳали ҳал қилинмаган муаммоларга, чунончи, миллий армия ва давлат бошқарувини шакллантириш, мамлакатни тинч ҳаётга қайтариш бўйича дастурларни амалга ошириш ва зарур маблағларни топиш ҳақидаги Токио конференцияси қарорларини бажаришга, бугунги кунда халқаро терроризм билан боғланиб кетган ва деярли бутун дунёни қамраб олган халқаро наркотрафик тизимга қарши курашда ягона марказдан бошқариладиган, аниқ, қатъий, пухта ўйланган профилактика ва огоҳ этувчи чора-тадбирлардан иборат таъсирчан тизим ташкил этишга ҳамда халқаро терроризмга қарши фақат ҳамжиҳатликда курашиш зарурлигига қаратди.

Сиёсатшунослар, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари Прага саммити якунларига юқори баҳо бермоқдалар ва НАТО тарихида хавфсизлик ҳамда ҳамкорликни таъминлашнинг янги даврини бошлаб берган муҳим босқич демоқдалар.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

# БАРҚАРОРЛИК – РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашида «Жамиятдаги барқарорлик — Ўзбекистонни янада ривожлантириш кафолати» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Йиғилишни Марказий Кенгаш раиси, полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоров Президентимизнинг Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидалар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Анвар хожи Турсунов ёшлар тарбияси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Ж. Ҳусанов, «Манавият ва маърифат» маркази вакили М. Қуронов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Б. Убайдуллаев ва бошқалар тинчлик, барқарорлик аҳамияти, соғлом авлодни тарбиялаш борасида фикр алмашишди.

■ **Рохила ИСМАТУЛЛАЕВА**

# «ЧЕГАРАДА ХИЗМАТ ҚИЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН»

Ватанимиз чегарасини қўриқлаб, йигитлик бурчини аъло даражада ўтаган, қалби ифтихорга тўла юрт посбонлари ота-оналари бағрига қайтишмоқда. Яқинда Сурхондарё вилояти сарҳадларида хизматни ўтаган 120 нафар йигит ёруғ юз билан ўз юртларига — Қарши, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларига қайтаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Ватан фахри бўлмиш бу посбонлар капитан Собир Зулфиқоров, лейтенант Зайниддин Назиров ҳамроҳлигида ўз уйларига қайтишди. Йўлда 279-поезд раҳбари Одил Қаҳҳоров, вагон хизматчиларидан Бахтиёр Муҳаммадиев, Адҳам Раҳмонов, Фахриддин Йўлдошев уларнинг хизматида бўлдилар.

— Мен чегара қисмларида хизматни ўтаганимдан фахрланаман. Мустақил юртим тинчлигини хизматим давомида қўриқлаш менга ҳам ишониб топширилганидан ғурурланаман, — дейди наманганлик аскар Олмас Раззоқов. Худди шундай фикрни Андижон фарзандлари Азиз Назаров, Жамшид Йўлдошев, Элёр Абдуллаев ҳамда тошкентлик Дилшод Содиқовлар ҳам билдиришди.

Дарҳақиқат, чегарамизни Ватанимиз фахри — мард йигитлар қўриқлар экан, демак барчамизнинг ҳаётимиз осойишта ўтади, орзуларимиз қанот қоқаверади.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**




## НОЛЕГАЛЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТАРИЛДИ



Иш излаб Москва вилоятига борган тожикистонлик нолегаллардан бир гуруҳи (115 нафар) яқинда Россия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли транспорт самолётида Чкалов аэродроми орқали ўз ватанига қайтариб юборилди. Улар бир ҳафта аввал Москва вилояти милицияси томонидан паспорт-виза тартибини текшириш жараёнида ушланган нолегаллардир. Уларнинг яна бир гуруҳи (тахминан 200 нафарга яқин) шу ҳафтада Тожикистонга жўнатилади.

Хабарларда ёзилишича, бу тадбирдан фойда йўқ. Негаки, улар барибир яна Россияга иш излаб бораверадилар.

Тожикистонлик нолегалларнинг биринчи кузатувига кетган харажатлар (1,5 миллион рубль уларни овқатлантиришга, самолёт ёнилғисига сарфланди) Москва вилояти губернатори Борис Громов кўрсатмасига биноан вилоят бюджетидан қопланди. Иккинчи гуруҳ учун эса пулни ким тўлайди, ҳали номаълум: ё Тожикистон маблағидан қопланади ёки нолегалларнинг ўзларидан ундирилади.

Москва вилояти ички ишлар бошқармаси эса паспорт-виза тартибини бузган нолегалларга қарши курашни янада қатъийроқ давом эттиришларини укдирмоқда.

## АРМИЯДА — БОЛАЛАР

БМТнинг баёнот беришича, бугунги кунда Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари армиясида 70 мингга яқин аскар-болалар хизматга жалб этилган. Аскар-болаларнинг айримлари 7 ёшгаям тўлиб-тўлмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Аскар-болаларнинг ўртача ёши 13 ёш эканлигини ЮНИСЕФ вакиллари тасдиқламоқда.

БМТнинг Болалар фонди берган маълумотларда ёзилишича, минглаб болалар қотилликка ва зўрлашларга гувоҳ бўлган ёки бевосита ўзлари ҳам иштирокчисига айланиб қолган.

БМТнинг Бирмада, Камбоджада, Индонезия, Шарқий Тимор, Папуа-Янги Гвинея ва Филиппинда ўтказган тадқиқотлари натижалари шундай ачинарли хулоса чиқаришга изн бермоқда, дейилади баёнотда. Шунинг учун ҳам БМТ 15 ёшдан кичик бўлган болаларнинг армияга жалб этилишини тақиқлаш ҳамда халқаро конвенция тартиб-қоидаларига риоя қилинишига халқаро жамоатчилик эътиборини қаратди. Бундан ташқари конвенция шартларини бузган мамлакат раҳбарларига мурожаат этиб, аскар-болаларни тезкорлик билан армия хизматидан бўшатишларини сўради.

## МАСЛАҲАТЛАШУВ ДЕКАБРГА ҚОЛДИРИЛДИ

Япония ҳукумати Корея Халқ Демократик Республикаси билан айрим масалалардаги келишмовчиликлар сабабли ноябрь ойида ўтказилиши мўлжалланаётган хавфсизлик муаммолари борасидаги ўзаро маслаҳатлашувни декабрга қолдирди. Агар вазият кескинлигича қолаверса маслаҳатлашув яна кечиктирилиши мумкин, дейилади Токиодан берилган ҳукумат маълумотномасида.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Исаев ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Жанубий Африка Республикасидаги элчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан ЖАР президенти Табо Мбекига ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.

■ **«Жаҳон» АА**

## РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН



Россия Президенти Владимир Путин шу йил охиригача уч давлатга расмий ташриф буюради. Бу ҳақда президент маъмурияти раҳбарининг ўринбосари Сергей Приходько хабар тарқатди. Унинг айтишича, 1-3 декабрь кунлари Путин Хитой Халқ Республикасида бўлса, 3-5 декабрда Ҳиндистонда бўлади. Сўнг Қирғизистонга ташриф буюриши кўзда тутилган.

Бундан ташқари МДҲ таркибидаги айрим давлатлар раҳбарлари, жумладан, 27 ноябрда Белорусия Президенти Александр Лукашенко билан, декабрда эса Қозоғистон давлати бошлиғи Нурсултон Назарбоев ва Украина раҳбари Леонид Кучма билан Москвада учрашади.

## КАЗАКЛАР ҚЎРИҚЛАШАДИ

Курил ороллари таркибиға кирувчи Кунашир оролига Япония даъвогарлик қилаётганини инобатга олиб, Сахалин вилояти маъмурияти у ерда аҳоли яшашини таъминламоқчи, яъни яқин орада Кунашир оролида казак хуторлари пайдо бўлади. Бунинг учун ҳудудий маъмурият бир қанча уйлар қурилишини ўз зиммасига олди.

У ерга кўчиб борадиган казаклар давлат рўйхатида қайд этилган бўлиб, улар Россия давлатига хизмат қилиш мажбуриятини бўйинларига олишган.

Худди шунга ўхшаш аҳолини кўчириш яқинда Кичик Курил ороллари учун ҳам амалга оширилади. Улар оролларда яшаш билан бирга у ерларни «ташқи душман»дан қўриқлашади ҳам.

## ТАНЛОВ ЖАНЖАЛГА АЙЛАНДИ

Халқаро Қизил Хоч ташкилоти берган маълумотларга кўра, Нигерияда «Гўзаллар танлови» ўтказилаётган пайтда жанжал чиқиб, муштлашувга айланган ва охир-оқибат 105 киши дунёдан кўз юмган, 200 нафари эса оғир жароҳат олган. Танловни ўтказишдаги келишмовчиликлар жанжалга сабаб бўлган.

## ШАҲАР МЭРИ КАПТАРЛАРГА ҚАРШИ «УРУШ» ЭЪЛОН ҚИЛДИ



Ҳа, худди шундай. Бир қарашда кишининг ишонгиси келмайди. Ахир каптарларга тинчлик элчиси, дея қаралади-ку.

Гап шундаки, BBC News берган хабарларда ёзилишича, Лондон шаҳрининг мэри Кен Ливингстон Трафалгар майдонига ўрганган каптарларга қарши ҳақиқатан ҳам «уруш» эълон қилди. У майдонга учиб келувчи каптарларнинг одамлар томонидан дон-дун сепиб боқилишини қонуний тақиқламоқчи. Негаки, Ливингстоннинг таъкидлашича, каптарлар ҳар куни Нельсон аркини булғамоқда ва уни тобора ишдан чиқармоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, қушлар бу аркка 140 минг фунт-стерлинг миқдорида зарар етказган. Бундан ташқари атрофни ифлослантириб, кишилар соғлиғига путур етказмоқда. Шунинг учун ҳам 2 йил муқаддам майдонда дон сотувчи (давлат лицензиясига эга) тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилган эди. Бироқ бу муаммони бартараф этишга ёрдам бермади. Одамларнинг ўзлари уйларидан дон олиб келиб, майдондаги каптарларга сепишадиган бўлишди.

Бугунги кунда каптарларга қарши курашда, аниқроғи уларни майдондан бездириш учун лочинлардан фойдаланилмоқда, аммо уларнинг фойдаси деярли сезилмаяпти.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, майдонга бир кунда 4 мингтагача каптар учиб келади.

«КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД — РУҲИЯТ НАҚҚОШИ» ТАНЛОВИГА

# МУСАВВИР АСАРЛАРИ ЮРТИМИЗДА

**Мустақиллик ўнлаб, юзлаб истеъдодлар қалбидаги илҳом булоғини жўш урдирди. Изланишга, яратувчанликка имкониятлар эшиги очилди. Шу ўринда миниатюра мактабининг ёш, истеъдодли вакили Хайриддин Муҳиддинов ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. У яқинда Санкт-Петербургда сафарда бўлиб, юртимизга илк маротаба Камолиддин Беҳзод асарларидан нусха олиб қайтди. Биз Хайриддиндан сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.**



— Йигирма кун давомида гўё ўзимни мўъжизалар оламига кириб қолгандай ҳис қилдим. Ҳаяжонларим, кўнглимдан кечган таассуротларимни сўз билан ифодалаш қийин. Назаримда, буюк тарих билан юзма-юз келгандай эдим. Аждодларимиз тафаккурила яратилган асарлар дарҳақиқат, дунёга кўз-кўз қилишга арзишига яна бир бор ишондим. Салтиков-Шчедрин музейида сақланаётган Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»си қўлёзмасида Камолиддин Беҳзод томонидан ишланган бешта расм сақланади. Орадан 400 йилдан кўпроқ вақт ўтишига қарамай, улар ҳанузгача ўз сифати, жозибасини йўқотгани йўқ. Мен ана шу расмлардан нусха олдим. Бир расмда ошиқ Лайлига отасининг яқинларидан бири панд-насиҳат қилаётгани, Мажнунни кўнглидан чиқариб ташлашни уқтираётгани тасвирланган. Олган нусхаларимга олтин суви билан зеб бердим. Мени мусаввир ижоди билан яқиндан танишиш мақсадида юборган Олий Мажлис ҳузуридаги Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича тузилган махсус комиссияга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Озодлик туфайли буюк мусаввирнинг мўйқаламда ишлаган ҳақиқий санъат асарлари билан танишиш мен учун катта бахт. Шарқ уйғониш даврининг ёрқин тимсоли, руҳият наққоши Камолиддин Беҳзод ижодий меросини ўрганиш жараёнида мусаввирлик мураккаб ва машаққатли, бироқ айни пайтда шарафли касб эканлигининг гувоҳи бўлдим. Бундай сафарлар тез-тез уюштирилса, биз каби ёш мусаввирлар учун фойдадан ҳоли бўлмасди. Сафар менга жўшқин илҳом бахш этди. Нусхаларни Камолиддин Беҳзод номи билан очилаётган музейга топшириш ниятидаман.

Кичик зафарлар катта муваффақиятларга элтади. Бугун тафаккуримизда содир бўлаётган ўзгаришлар миллатнинг маънавий қиёфаси шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Ўз тарихини билган халқ ҳеч қачон бировларнинг иродаси олдида бош эгмайди. Аждодлар мероси авлодлар қалбини чароғон этади.

Биз Шарқ маданиятини жаҳон санъати шоҳсупасига олиб чиққан Камолиддин Беҳзод асарлари билан фахрлансак арзийди. Унинг олис юртларда қолган ноёб, бебаҳо асарларини музейларимиз, кутубхоналаримизда кўришни орзу қиламиз. Изланувчан мусаввир кўчириб келган нусхалар сафидан ҳақиқий, асл асарлар бир кун жой олса ажаб эмас.

■ **Дилором ИСМОИЛОВА**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИДА

**18,20,22 ноябрь кунлари ўтказилган биржа савдоларида**

3 та кўчмас-мулк, 14 та автотранспорт воситаси ва 1 та хонадон 191 456 600 сўмга сотилди.

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали Сизларни биржа савдоларига таклиф қилади. Биржа савдолари ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.**

**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**



Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Сурхондарё вилоят бўлими томонидан

Холмирзаев Нурмамат Тошбоевич номига 14.08.2000 йилда берилган, амал қилиш муддати 14.08.2005 йилгача бўлган АТ серияли 0015211 рақамли;

Холмирзаев Ўктам Тошбоевич номига 17.08.2000 йилда берилган, амал қилиш муддати 17.08.2005 йилгача бўлган АТ серияли 0015213 рақамли «Шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишларида юк ташиш» ҳуқуқини берувчи лицензиялар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


«Ўзбектелефильм» томонидан яратилган «Хуршида» кўп серияли телевизион бадиий фильми бир неча кун мобайнида миллионлаб томошабинларнинг диққат марказида бўлди. Хўш, бу фильмга қизиқишнинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади. Менимча, бунинг иккита асосий сабаби борга ўхшайди.

Биринчи сабаби фермерлар қишлоқда катта кучга айланиб бораётганлиги, қишлоқларнинг истиқболи кўпроқ уларнинг фаолиятига боғлиқлиги ва шу боис одамларнинг диққат-эътибори ўшаларга қаратилганлигидадир. Фермер хўжаликлари кучайса, даладан оладиган ҳосили кўпайса, чорва моллари ортса, қишлоқ аҳлининг турмуш тарзи яхшиланади, ҳаёти фаровонлашади. Бу эса шаҳар ҳаётига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан бўлса керак, бугунги куннинг етакчи қаҳрамонларига айланиб қолган фермерлар халқнинг назарида турибди. Лекин шунга қарамай, бадиий адабиётда, санъат асарларида, шу жумладан бадиий фильмларда фермерларнинг тўлақонли образлари ҳамон яратилмай келаётир. Ҳолбуки, давр илгари сураётган энг муҳим муаммолар, вазифалар, халқимиз ҳаётидаги, кишиларимиз ақли ва туйғуларини эгаллаб турган долзарб масалаларни қаҳрамонлар ҳаёти ва фаолияти орқали кўрсатиш, таҳлил этиш барча ижодкорларнинг бурчидир.

Телетомошабинлар бу фильмни қизиқиш билан кўрганликларининг иккинчи — назаримда асосий сабаби кўтарилган муаммолар, қаҳрамонларнинг ўзаро тўқнашувлари, руҳий ҳолатлари, кечинмалари, фаолиятлари орқали ўта қизиқарли ва жозибали тарзда ҳикоя қилинганлиги бўлса, ажабмас.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилганда, фермерлар тўғрисида асарлар яратиш ижод аҳлининг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги ўз-ўзидан равшан бўлади. Шу туфайли ҳам «Ўзбектелефильм» жамоасини фермерлар ҳаётига бағишланган биринчи жиддий ва салмоқли асар билан чин юракдан қутлаш керак.

Президентимиз кўп нутқларида фермер хўжалигини ривожлантириш, уларга зарур шароитларни яратиб бериш тўғрисида жон куйдириб гапираётганликларига қарамай, жойларда ҳамон фермерларга халақит бериш, ҳатто тўғридан-тўғри уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраб турибди.

# ФЕРМЕР ҚИЗ ҚИССАСИ

КИНОТАҚДИМ



## Замонамиз қаҳрамонларининг тўлақонли образларини яратиш йўлидаги дадил қадам

Ҳаётдаги ана шу ҳолатлар Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев маҳорат билан, қизиқарли ва жозибадор тарзда яратган асар сценарийсида ўз ифодасини топган. Таниқли кинорежиссёр Шавкат Жунайдуллаев эса сценарий руҳи, моҳиятини англаган ҳолда актёрлар гуруҳини танлаган, натижада асарни муваффақиятли экранлаштирган. «Хуршида» Абдуҳаким Қориевнинг бадиий фильм олишдаги биринчи мустақил иши бўлишига қарамай асар мазмунига мос манзаралар топа билган ва уларни усталик билан суратга туширган.

Телефильм муваффақиятининг асосий омилларидан бири бош қаҳрамон образи ва унинг ижроси билан бевосита алоқадор. Аввало Хуршида образига сценарийда катта ўрин берилган, пухта ишланган. Хуршида ақл-фаросатли, ишбилармон, ташаббускор, қатъиятли, тутган жойини кесадиган, тўғрисўз, ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаган қиз. Ёш актриса Тамара Ҳазратқулова ўз қаҳрамонидаги ана шу хислатларни бўрттириб кўрсата билган. Гарчи Хуршида Тамаранинг биринчи йирик роли бўлса-да, уни ғоят берилиб, юракдан, маҳорат билан ижро этган. Энг муҳими, Тамара йигитларга хос шижоату қизларга хос назокатни уйғунлаштира олганлигидир. Киноактёрлар сафи Тамарадек истеъдодлар билан кенгаяётганлиги кишини хушнуд этади.

Бош қаҳрамон Хуршида билан Шокалон ўртасидаги кураш телефильмнинг асосий зиддиятини ташкил этади. Шокалон пихини ёрган одам, ғоят мураккаб шахс. Уни ҳатто узоқ йиллардан бери бирга яшаб келаётган умр йўлдоши ҳам ҳали тўла тушуниб етмаган. Ҳар иккала тўлақонли характер ўртасидаги зиддият бутун асар мобайнида кучайиб боради, сўнгги қисмларда эса у ўзининг авж пардасига кўтарилади. Драматизмнинг тобора кучайиб бориши эса томошабин диққатини ушлаб туришнинг асосий воситаларидан ҳисобланади. Ҳар иккала образ ўртасидаги зиддият Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асаридаги Саида ва Қаландаровлар тўқнашувини ёдга туширади, худди ўша асардагидек уларнинг кураши томошабинни воқеаларни диққат билан кузатишга мажбур этади.

Телефильмда иштирок этган деярли барча актёрлар ҳам ўз ролларини сидқидилдан ижро этишгани қувончлидир. Фильм замонамиз қаҳрамонларининг тўлақонли образларини яратиш йўлидаги дадил қадам, муваффақиятли уриниш. Билдирилган мулоҳазалар телефильм ҳар жиҳатдан муваффақиятли асар, камчиликлардан холи деган маънони асло англатмайди. Унда маромига етмаган ўринлар, сустроқ ўйналган роллар, асар руҳига унчалик ўтиришмайдиган, далилланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Фильм мусиқасини асар мазмунига тўла мос деб айтиш қийин. Кийимлар ҳам далада ишлаётган одамларнинг либосларига эмас, аксарият ҳолатларда тўйга отланган одамнинг кийимларини эслатади. Лекин бу нуқсонлар фильмнинг ютуқлари олдида арзирли тош босмайди. Умуман олганда, фильм ижодкорлари қишлоқ аҳлининг бугунги ҳаёти, уй-ташвишлари ёрқин тасвирланган, замондошларимиз тўғрисида эсда қоладиган фильм ярата олганлар.

■ **Раҳматилла ИНОҒОМОВ, филология фанлари номзоди**

✧✧✧

**Суратда:** *артист Тамара Ҳазратқулова бош қаҳрамон Хуршида ролида.*


## «ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 96-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.**

**1 ТУР**
14
16
69
59
11
57
34
48
82
36
60
63
1
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
40011761.1
50018750.1
**2 ТУР**
29
66
53
67
7
90
25
77
52
28
5
49
20
10
21
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
20011034.1
**3 ТУР**
85
35
24
56
80
38
23
68
43
61
44
39
26
55
71
31
76
8
45
83
84
6
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
70000064.1
**4 ТУР**
51
9
30
86
79
3
88
72
62
74
75
41
Сони: 1
ГАЗЕЛ автомобили
Чипта рақами
10029370.1
**5 ТУР**
70
46
19
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
40022523.1
**6 ТУР**
89
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
60026651.3
**7 ТУР**
87
Сони: 3
Видеомагнитофон
Чипталар рақами
20021685.1
70011334.2
80007281.3
**8 ТУР**
78
Сони: 1
Сумма: 5000
**9 ТУР**
18
64
Сони: 2
Сумма: 4000
**10 ТУР**
65
Сони: 2
Сумма: 3000
**11 ТУР**
27
Сони: 3
Сумма: 2000
**12 ТУР**
32
Сони: 7
Сумма: 1900
**13 ТУР**
22
Сони: 12
Сумма: 1800
**14 ТУР**
42
Сони: 23
Сумма: 1700
**15 ТУР**
13
Сони: 32
Сумма: 1600
**16 ТУР**
81
Сони: 40
Сумма: 1500
**17 ТУР**
54
Сони: 72
Сумма: 1400
**18 ТУР**
40
Сони: 97
Сумма: 1300
**19 ТУР**
58
Сони: 183
Сумма: 1200
**20 ТУР**
4
Сони: 265
Сумма: 1100
**21 ТУР**
33
Сони: 410
Сумма: 1000
**22 ТУР**
50
Сони: 547
Сумма: 900
**23 ТУР**
2
Сони: 815
Сумма: 900
**Қўшимча тур**
Сони: 16
Сумма: 900
**Халтадан чиқмаган шарлар: 12, 15, 17, 37, 47, 73**

**"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 19 декабрдаги 100-тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:**




"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони.Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Мирobod тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.*


ФУТБОЛ

# СОВРИНДОРЛАР СЎНГГИ ТУРДА АНИҚЛАНАДИ



Яна бир турдан сўнг олий лига жамоалари XI миллий чемпионат учрашувларини якунлашади. Мавсум пешқадами Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 28-турда «Самарқанд-Динамо» футболчилари устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозониб, муддатидан илгари мамлакат чемпиони бўлганди.

Сўнгра Муборакда 17-турнинг кечиктирилган «Машъал» — «Пахтакор» ўйинида мезбонлар муҳим уч очкони қўлга киритди —2:0. Бу «Пахтакор»нинг мавсумдаги иккинчи мағлубиятидир. Пахтакорчилар дастлаб биринчи даврада Қаршида «Насаф»га имкониятни бой берганди — 0:4.

Осиё чемпионлари лигаси учрашувларида қатнашаётганлиги туфайли «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари иштирокидаги 29-турнинг икки ўйини эса ўтган жума куни ўтказилди. «Пахтакор» Термизда «Сурхон» футболчиларига қарши ҳужумкор ўйин намойиш этиб, йирик ҳисобда зафар қучди — 3:0. Фарғоналиклар эса пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоаси меҳмони бўлишди. Бу учрашув ҳам мезбонларнинг мағлубияти билан якунланди — 2:6. Мазкур ғалабадан сўнг, «Нефтчи» футболчилари мавсумнинг кумуш медалларини нақд қилишди.

Охирги турнинг марказий учрашуви Қаршида «Насаф» ва «Қизилқум» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Чемпионатнинг бронза медалларига даъвогарлик қилаётган бу икки жамоа ўйини кутилганидек шиддатли ўтди. Учрашувнинг 84-дақиқасигача мезбонлар 0:2 ҳисобида ютқазишаётганди. Фақат сўнгги уч дақиқада қаршиликлар ярим ҳимоячиси Отабек Қиличев томонидан кетма-кет киритилган икки тўп «Насаф»ни муқаррар мағлубиятдан қутқариб қолди.

Турнинг қолган ўйинларида қайд этилган натижалар қуйидагича: «Самарқанд-Д» — «Трактор» — 0:0, «Бухоро» — «Машъал» — 1:1, «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» — 3:1, «Зарафшон» — «Андижон» — 2:1, «Қўқон-1912» — «Металлург» — 1:0.

30-тур учрашувлари 30 ноябрда ўтказилади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

***29-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ***

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. Пахтакор** | **28** | **24** | **2** | **2** | **84-14** | **74** |
| **2. Нефтчи** | **28** | **20** | **3** | **5** | **74-31** | **63** |
| **3. Қизилқум** | **29** | **18** | **5** | **6** | **66-32** | **59** |
| 4. Насаф | 29 | 18 | 4 | 7 | 59-34 | 58 |
| 5. Металлург | 29 | 13 | 6 | 10 | 39-35 | 45 |
| 6. Навбаҳор | 29 | 13 | 4 | 12 | 50-39 | 43 |
| 7. Бухоро | 29 | 12 | 5 | 12 | 37-50 | 41 |
| 8. Дўстлик | 29 | 11 | 2 | 16 | 35-45 | 35 |
| 9. Машъал | 29 | 9 | 6 | 14 | 37-50 | 33 |
| 10. Андижон | 29 | 9 | 5 | 15 | 40-58 | 32 |
| 11. Самарқанд-Д | 29 | 9 | 5 | 15 | 24-43 | 32 |
| 12. Сурхон | 29 | 9 | 3 | 17 | 34-52 | 30 |
| 13. Трактор | 29 | 8 | 6 | 15 | 35-58 | 30 |
| 14. Қўқон-1912 | 29 | 9 | 2 | 18 | 29-59 | 29 |
| **15. Сўғдиёна** | **29** | **8** | **4** | **17** | **30-52** | **28** |
| **16. Зарафшон** | **29** | **8** | **4** | **17** | **37-53** | **28** |


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi orinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir orinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir orinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
OʻZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «Oʻzbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon koʻchasi, 41-uy.

Gazeta Oʻzbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qoʻmitasida 00004-raqam bilan roʻyxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«Oʻzbekiston ovozi» materiallarini koʻchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA